



Ўзбекистон

ЎЗБЕКISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

7 апрел, №15 (3553)

МИЛЛИЙ МАФКУРА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



6 апрел куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бу йилгиликнинг асосий мақсади — жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура ҳусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўллари муҳокама қилишдан иборатлигини айтди.

Барчамизга аёнки, биз инсоният тарихида ўхшаш, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечиряёмиз. Яъни, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам ангиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй бераётгани йўқ, деди Юртбо-

шимиз. Бу йилда эскира қарош-йилгиликнинг асосий мақсади — эски замондан сақланиб келаятган муқаддас ва қўлиқ асосатларини, турли зиддиятлар, баъзан очикдан-очик душманлик қайфиятларини ҳам енгил олға бораётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўнча тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам қўлдан-қўп мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, йўлбошчимиз таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил

(Давоми 2-бетда)



9 апрел — Соҳибқирон
Амир Темур
таваллуд тоналган кун

да қад кўтарган кўркам турар-жой биноларига ҳам ҳавасланиб бокасиз.

ТОШКЕНТНИНГ БОШ КЎЧАСИ

Ўзбекистон пойтахтининг бош кўчаси бугун Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталади.

Бу бежиз эмас. Улуғ бобомиз ўз она юртига мустақиллигимиз билан бирга қайтиб келганда, улуғ сафарда эдилару, биз ул зотни интизорлик ила узоқ кутгандек, истиқболларига пешвоз чиқдик. Озодликдан ғурури юксалган халқимиз бобомизга она Ватанлариде бекиёв ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Тошкентнинг энг кўркам хиёбониде Соҳибқирон бобомизнинг тулпори жиловини викорла тутиб турган ҳолдаги муҳташам ҳайкали қад ростлади.

Амир Темур номидаги бош кўчамиз ҳудди ана шу жойдан — маҳобатли ҳайкал улғурлик ва кўрку тароват бахш этиб турган хиёбондан бошланади. Хиёбон ёнгинасиде — бош кўчанинг сўл қанотидаги биринчи бино — бу, Темурийлар тарихи давлат музейи. Улар пойтахт жамолига, бош кўчанинг мейморий қиёфасига узукка қўйилган кўздай ярашиб турибди.

Амир Темур кўчасининг чиройини очиб юборган маҳобатли иншоотлару кўркам биноларнинг ақсарияти мустақиллик йилларида қад ростлади. Кўчанинг ҳазрат Алишер Навоий номидаги шох кўча билан туташадиган чорраҳасиде эса фаранг мейморлари лоийҳалаган ва улар билан ҳамкорликда қурилган «Seraton — Тошкент» меҳмонхонасининг маҳобатли биносини пойтахт меҳмонлари ҳайрат ила томоша қилдилар.

Кўча бўйлаб Тошкент шимолли сари қадам ташлаб бораркансиз, Олой бозорининг янгида қурилган расталари кўзингизни яншатеди. Кўча шаҳар марказидан то Юнусобод мавзеега қадар кенгайтирилиб жаҳон андозаларига мослаб қайтадан қурилди. Энди аввалгидек, Олой бозори рўпарасиде машиналар яшил чирокчи кўтиб, эрталаб ва кечқурунлари бир-бирига ҳалақит бериб, туриб қолишмайди. Янги кўприк-йўл ўтказгич уларнинг ишини осон қилган. Юнусобод туман ҳокимлигини ўтмай туриб, бинонинг хар икки тарафи-

нора ёнидан ўтувчи ўнг тарафиде — Бузувнинг хар икки соҳилида шу кўнларда катта қурилиш бормоқда. Бу каттагон қурбонлар хотирасини ёд этиб, мустақиллик учун азиз жонларини фидо этган оталаримиз руҳларини шод этиш мақсадида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидир. Бузувнинг хар икки соҳилида кўркам хиёбонлар барпо этилди. Уларни Бузув устига қурилган янги кўприк туташтириб турибди. Шу кўприк билан Амир Темур кўчаси ўртасиде эса қуббали шаклдаги ёдгорлик иншооти қад кўтарди. Бу манзил минг-миглаб зиёратчилар ташриф бурюрадиган табарук қадамжолардан бўлиб қолади.

Амир Темур кўчасининг Шаҳристон кўчаси билан туташган чорраҳасиде эса улкан метро бекати қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келаси йили — Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасиде «Ойбек» метроси билан ана шу бекат ўртасиде ер ости поездлари қатнай бошлайди. Бош кўча Юнусобод мавзее марказиде ўтган йили бунёд этилган улкан йўл ўтказгич-кўприк ва унинг ёнидаги катта бозор билан туташиб кетган. Амир Темур кўчасининг Юнусободдан бошланган қисми мана шу жой бўлиб, унинг мейморий қиёфаси кун сайин кўзни қувонтириб бормоқда.

Хар кун ишга бораётиб, шу кўчадан ўтаман. Эрта тонгу кеч оқшом, булут тун бўйи унда бир зум ҳаракат тўхтамайди. У ҳамма гаўжам ва серкатнос. Хар қал шу кўчадан ўтиб қайтарканман, қалбимда буюк гурур ва ифтихор турман. Ахир бу халқимизнинг абадий шон-шавкати, мангу гурури, миллий халоскорлик тимсоли бўлган улуғ бобомиз номидаги кўча-да. Исми жамкига монанд кўча. Унинг хар қадамида улғиллиги, улғурликни кўш этасиз.

Амир Темур номидаги бош кўча халқимизнинг, соҳибқирон авлодларининг боболар шавкатига буюк эҳтиром раъзиндир.

М. АБДУЛЛАЕВ

АЛЛОМА ҚАДАМЖОЛАРИДА

Бурхониддин ал-Марғиновий таваллудининг 910 йиллигини нишонлашга Марғиновий катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳарда ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилляпти. Жамоаларда, маҳаллаларда таниқли олимлар, уламолар ва ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил этилаётти.

Шаҳар ҳокимлиги Бурхониддин ал-Марғиновий жамгармасини ташкил этди. Ҳокимлик ва жамгарма ташаббуси билан шу йил 8-15 март кўнлари Бурхониддин ал-Марғиновий

ҳаёти, илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида аллома қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияси уюштирилди. Экспедиция аъзолари Ўзбекистон Муслмонлари Идорасиде бўлдилар. Идора кутубхонасиде сақланаётган қадимий кўлэмалар, шунингдек, Бурхониддин ал-Марғиновийнинг «Ал-Хидоя» асарини кўчирдилар. Ташкил давлат Шарқшунослик олийгоҳи олимлари билан суҳбатлашдилар. Аҳмад Ясавий маркази жойлашган Туркистон шаҳрида бўлдилар.


Самарқанд ва Бухорода улуғ бобокорларнинг қадимий биносини эътибор қилдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими, Археология институти, Самарқанд ва Бухоро давлат университетлари олимлари билан учрашиб, Бурхониддин ал-Марғиновий ҳаёти ва асарлари ҳақида янги маълумотлар тўпладилар. Олимлар билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, рисоалар тайёрлаш ва чоп этишга киришилди.

Ҳ. ЭШОНБОЕВ

«ТАДБИРКОР ТАБИЪ»НИНГ КИРДИКОРЛАРИ

Куни кеча Маннон Уйғур номдаги Тошкент Давлат Санъат институти талабалари ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Институт «Хумо» ёшлар театрлари фестивали доирасиде «Туркистон табии» номли спектаклни намойиш этиб, ижодий галабани кўлга киритди. Томошабинлар билан бирга, хорижий мамлакатдан келган меҳмонлар ва фестивал ҳакамлари ҳам институтнинг эстрада бўлими 3-курс гуруҳи томонидан тайёрланган Маннон Уйғурнинг «Туркистон табии» пьесаси асосидеги ҳажвий фарс-томошани қизгин қарши олдилар. Бўлим бадий раҳбари Ўзбекистон халқ артисти, профессор А. Қобулов, сахналаштирувчи режиссёр М. Умаров, актёрлар маҳорати бўйича муаллима Э. Крушевская ва бир гуруҳ устозлар раҳбарлигида эстрада бўлими талабалари институт ижодий биографиясиде из қолдиришли ишчи амалга оширдилар.

Спектаклнинг ижро ечимини ўзига хос: сермазун пластик хатти-харакатлар ва қўшқиларнинг асар воқеаларидан келиб чиқувчи эстрада кўйлари билан уйғунлашуви томошага алоҳида жозоба бағишлади. Маннон Уйғурнинг бундан 80 йил аввал ёзган кичик ҳажми асари асосиде талабалар режиссёр Маъмур Умаров бошчилигида замонавий руҳ билан суғорилган қизқарли сахнавий асар яратилганлар. «Туркистон табии» 1918-1922 йилларда энг машҳур томошалардан бўлган. Пьесада



билимсиз, «тадбиркор» табии, дангаса шогирд қилмишлари қулгили ва ибратли ҳолатларда намоен қилинади.

«Тадбиркор» Ниёзали хусусий шифхона очиб, дориларни билар-билмас беморларга бериб бойишни истайди. Ниёзали ношуд шогирди Эшимқулнинг дангасалигидан нолиса, Эшимқул Ниёзалининг ҳасилигидан, экинлигидан азоб чекади. Хуллас, Эшимқул бу даргоҳни тарк этишга қарор қилади. Бирок, шунчаки кетавермай, ҳўжайинини ўз билгича қозолаб кетишни режалаштиради. Бунинг учун дорихонадан сурғи ва қичитма дориларни келтириб, Ниёзалидан шифоталаб беморларга беради. Саҳнада қулгили вазият юзага келади.

Мумтоз комедиининг синалган услублари ва усулларини яқши билган ва қўллаб олган Маннон Уйғур ажойиб ҳажвия яратган бўлса, унинг ижод мактабиде таҳсил олган ва олаётган буюк санъаткорнинг меросхўрлари ҳозирги давримиз учун долзарб спектакл яратди олдилар.

Санъат институти талабаларининг «Туркистон табии» спектакли режиссёр ва ижрочилар ўзаро ижодий ҳамкорлигининг яқши намуналаридан биридир. Асосий рол ижрочилари Миржалол Абдуқодиров (Ниёзали) ва Шўхрат Нуралиев (Эшимқул) спектаклга алоҳида жозоба бахш этганлар. Шунингдек, Толмас Шомов, Сарвар Машарипов, Едгорой Жаъфарова, Саида Хайбатова, Малика Олдиёрова, Зебо Қорабоевалар томошанинг хусусиятларига мос ижролари тўфайли томошабин меҳрини қозондилар.

Раҳмонбек ИСЛОМОВ

АДАБИЁТ МУХЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 12 апрел, соат 11.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказиде «Жаҳон адабиёти» журналы саҳифаларида 1999 йили эълон қилинган публицистик мақолалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилади. Суҳбатга адиблар, журналистлар, барча қизикқан ўртоқлар таклиф этилади.

РИВОЯТ ИЧИДАГИ РОМАН

дай изланишлар бугунги адабиётшуносликка ҳам хосдир. Баъзан имманент анализ, гоҳида структурал таҳлил усулларининг онда-сонда кўзга ташланиб қолиши шундан.

Мумтоз адабиётимизга доир тадқиқотлар секин-эста ўз аста-аста яқинлашаётгани кузатишмоқда.

Бирок адабий жараёнга фаол аралашувчи адабий танқидлар сустлашиб бор. Сукунат бағрида ҳаракатсиз ётган бу соҳа баъзан атрофга бир назар ташлаб қўнди, алланималариде айтаган бўлади ва яна хиллик оғушига кетади.

Тўғриси, нафосатга илпосманд кўнгилашда ҳали ҳам жарангдор бир кўй тугилмаган кўринадди, яна бир бор сизга сабр-тоқат тилашдан ўзга чорам йўқ...

Бадий асар мукамал бўлса, унда боқий сўз эгаси-

асардан фақат ижтимоий маъно излашдан чарчаганимиз ва бу усулда нафис адабиётни жўнлаштириб қўйишимиз эҳтимоли кўчагани сабабидан йўллар изламоқдамиз. Зотан, айна ҳолат 60-йиллари француз адабий муҳитида ҳам юз берганидан ва натижада уларда психологик, биографик, структурал таҳлиллар кўча борганидан хабардоримиз. Бизда ҳам ҳозир шунга яқин бир қайғий бор.

Мана етмиш йилдики, муҳтарам олимларимиз «Ўтган кўнлар» юзасидан кўп қимматли фикрлар билдирганлар. Бир томондан қаралса, роман ҳажмидан бир неча бор катталашиб кетган илмий таҳқиқларда гўё ҳамма фикр-муҳоказалар айтилиб бўлингандек кўринади. Аммо боқий ва тирж асар жозибаси уни фақат йиллар ва асрлар суронидангина эмас, балки турли-туман танқидлару зарурати бўлмаган олқишлар доирасидан ҳам омон олиб чиқаверади. Шу сабаб унга муружат учун асос ҳам топилади...

(Давоми 4-бетда)

СОҒИНТИРИБ ЯШАГИМ КЕЛАР



Машҳур эстрада хонандаси Юлдуз Усмонованинг 12-26 апрел кўнлари намойиш этиладиган янги концерт дастури ана шундай номланади.

Хонанда ўзининг илк қўшқилари биланок эл меҳрига сазовор бўлди. Юлдузнинг қўшқиларидаги кўнгила яқинлик миллий қадриятларга муҳаббатда, теран халқона хикматларни чуқур англашда, уларни чин юракдан изҳор этишда ва халқ қалбига етказишда билдиши кўринади. Унинг «Хамро», «Қизил олма, қизил олма пишган экан» каби ашуллари ана шундай қўшқилар эди.

Юлдузнинг «Дунё» деган қўшиги эса, дунёни мафтун этди. Ўзбек миллий қўшиқчилиги осмониде юлғон порлаган Юлдуз булут дунёни ўзига қаратди. Дунёдаги турли-туман миллатлар Юлдузга жўр бўлиб, «Дунё»ни қўйди. Юлдуз тимсолида чинакам санъат асари тили барча миллатларга бирдай тушунарли бўлишини кўрди. Битта қўшиқ оний лаҳзада барча инсонларни бир-бирига яқинлаштира олишига амин бўлди. Бу мустақиллик шарофати эди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбек Юлдузи дунёга чиқди.

Юлдуз Усмонова ижодида Мустақилликни, озод ва обод Ватан саодатини тараннум этиш катта аҳамият касб этди. «Халқ бўл, элим», «Ўзингдан қўямасин, халқим, ўзингдан» қўшиқлари Ватан ва Мустақиллик мавзусидаги энг яқин қўшиқлар сифатида халқимизга манзур бўлди.

Юлдуз Усмонова халқимизга ана янги концерт дастурини тақдим этмоқда. «Соғинтириб яшагим келар».

Юрагимга яқин одамлар,
Меҳри дилга чакин одамлар,
Соғинсам-да ўзим сизларни
Соғинтириб яшагим келар.

Ана шу концертда илк бор янграйдиган айрим янги қўшиқлар матни газетамизнинг учинчи саҳифасиде чоп этилмоқда.

3-бет

Турсунбой АДАШБОВЕВ

КЎПНИ КЎРДИК...

ПОКДОМОНИК


(БУМАЙРАМГА)

Нўйгулларнинг қизи бўлса сендайин,
Ошиқларнинг ҳоли хароб мендайин...
Новқатликлар лаҳжасида сўйлаган,
Бир саволга ўн жавобни ўйлаган.
Сўзларингдан юз хил маъно англаган,
Чой ўрнига кийик ўтдан дамлаган.
Ой-ку эмас, осмон узра илинган,
Асли тулпор йўрғасидан билинган.
Садоқатли дўстлар учун аёвали,
Ярлаққан зукколикдан, билимдан.
Тўрт-беш тилин дил қатига хатлаган,
Мағриб билан Машир қари қатнаган.
Сал ўжарроқ, айқи-тайқи сўз қотсанг,
Ўзингдан кўр, ўша заҳот патлаган.
Нўйгулларнинг шундай қизи бор бўлсин,
Покдомонлик унга ҳамроҳ, ёр бўлсин.

КАРОГИМ ЎШ

(ШАВКАТ РАҲМОННИ ХОТИРЛАБ)

Қайда юрмай, қаён турмай,
Нигоҳим узра пайдосан.
Бароқўҳсан, дилбар, шўҳсан,
Ҳазин Оқбура дарёсан —
Кароғим Ўш, чароғим Ўш!
Чарос қори, Қамбарнисо,
Самарбону, Хувайёдосан,
Шоир Маҳжур каби содик,
Бир умр ошиқ, шайдосан.
Бобур Мирзо таваф қилган,
Фаройиб, қутлуг маъвосан —
Кароғим Ўш, чароғим Ўш!
Азиз шахрим, лаазиз наҳрим
Сабаб, тахти Сулаймонсан.
Ўглинг Ҳабиб Абулладай,
Арзир меҳринг учун ёнсан.
Кароғим Ўш, чароғим Ўш!
Сен — Иброҳим Ҳамрабоев.



Ўзинг Изатли Султонсан
Таърифингни ёзар бўлсан,
Қайнаган чашма, вулконтан,
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!

ОЙИМ ЎЗИ

(РАССОМ Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВНИНГ ҚИЗИ ЗУЛАЙҲОГА)

Болажонлик аёл зотиға,
Фақат Момо Ҳаводан юққан.
Шу боисдан оналар зотан,
Дурдайн соф, суддай тиниққан.
Ўғил-қизин ташвиши билан
Қирқта жони бордай чиниққан.
— Укангни бер, — деган лол қолар,
Қизалоқнинг жавобин уққан:
— О, ёқоркан, укманни ахир,
Ойим ўзи қийналиб туққан...

БОЛАЛИКДАН БИР

ЛАВҲА

Баҳор келиб, қушлар чиқиб,
Илик узилган маҳал.
Гўжа тансиқ, атала-ку,
Ошдек «сузилган» маҳал.

Қаттол уруш оқибати,
Ҳали шаштдан тушмаган.
Омборлар ҳам қатрон бўлиб,
Сичқон ҳарса ушлаган.

Қўшчиларга нон ёпарди,
Онам сули унингдан.
Ноллий деса осмон йирок,
Ночор, гариб кунидан.

Сули асли отнинг еми,
Ишлатилмас бўлакка.
Онам уни бир неча бор,
Ўтказди элакдан.

Чунки, қипиқ, теғирмонда,
Кетмас эди янчилик.
Супра узра митти ханжар,
Тушар тикка санчилик.

Чарсиллайди шувоқ ўтин,
Тандирга ўт қалайман.
Оловдайн лов-лов ёниб,
Тақдирдан ўпкалайман.

Туман тоға тўқочларни,
Қўшчиларга олборар.
— Қилтириқдан сақласин, деб,
Онажоним ёлборар.

Бир ҳафтага олтига нон,
Қолдиришар улушни.
Йиглай десам номус кучли,
Вақти эмас қулишни.

Хўрлик эса зардобдайн,
Зимдан сизиб боради.
Сули ноннинг қипиқлари
Тигдай чизиб боради.

Набирамнинг нон танлаши,
Малол келган, сўнгги дам.
Бололикдан ушбу лавҳа,
Ўтди кўзим унингдан...

ЧАККА

Қирқ бешинчи йилнинг баҳори
Жонимиздан тўйдирди чакка.
Жанг қиламиз унинг ичиди,
Томчи билан яккама-якка.

Галтакларни шифтдан ергача,
Дор катакдай таранг тортанамиз.
Челақ, жомга туташган илга,
Ўзига хос хизмат ортанамиз.

Даҳлянда ҳам бўзлайди томчи:
— Чик-чик! Чик-а! Чик! Чик-кин! — дейди.
Кўрпаларни, яқондозларни,
Тез бўл, йигиштир! Йик-қин! — дейди.

Кўчиб ўтдик меҳроб томонга,
Буйруқ қилар: — Чик-қин! — деб чакка.
— Йўқ, жилмаймиз ҳатто бир қадам,
Арз-ҳолингни айтгин фалакка!..

Жой қолмади, оёқ босгудай,
Зериктириб юборди гоят,
Бизни уйдан қувиб чиқолмай
Пешин чоғи тинди ниҳоят.

Офтоб олмос шамшири билан
Булулларни чопиб ташлади.
Барҳам топди уч кунлик ташвиш,
Могор босган диллар яшнади...



Махмуд ТОИРОВ

СОҒИНТИРИБ ЯШАГИМ КЕЛАР

Билсанг, қушлар қанотин қарзга
бермагай,
Ерда юриб ҳеч кимса юлдуз термагай,
Ирмоғи йўқ дарёлар ханда урмагай,
Ирмоқ бўлсанг изингда гул бор,
болажон,
Гулда эса бўлбўлдек қул бор, болажон.

Кўзларингга қулғуни қуртаклар берсин,
Ўзин кўрма қайғуни қурмақлар терсин,
Ўғлон берсин, элга шер юраклар
берсин,
Умринг тилаб битганим ашўр,
болажон,
Қутлуг бўлсин сенга илк баҳор,
болажон.

Юрагимда ниш урар оҳим,
Кўл урмаган гулдай гуноҳим,
Соғинсам сабодай сархушман,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Сиз севгининг садоси асли,
Мен бир моҳнинг гадоси асли,
Юз очмоқда муҳаббат фасли,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Сиз самога сиғмаган қушсиз,
Болишимни балқитган тушсиз,
Ашўрингиз атридай хушсиз,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Дилда ишқнинг зуволаси бор,
Лутфингизнинг хуш бодаси бор,
Шеърлар битсак шалоласи бор,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Бу юраклар шунчалар яқин,
Ўзи суқар бир-бирин чоқин,
Кўзингизда оташин, чакин,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Боғингизда адашган булбул,
Кўнгангизни қаритган бир қул,
Мен ўша қул, мен ўша булбул,
Кўргим келса, кўрининг, Моҳим.

Аёл бор бахтиёр
ОДАМЗОТ НАСЛИ

Аёл эъзоз учун яралган зотдир,
Аёлга эҳтиром ярашар асли,
Бир оғиз ширин сўз унга наҳотдир,
Аёл бор бахтиёр одамзот насли.

Аёл бағрингдаги бахтинг бекаси,
Дунёга табассум берган ҳам аёл.
Жаннат ифориридир аёл нафаси,
Термулиб дардингни терган ҳам аёл.

Дунё хофизларин шох қўшиқлари,
Она алласининг увоғича йўқ,
Баҳор саралаган минг турфа гунча,
Бир гўзал санамнинг дудогича йўқ.

Йигитлар тиз чўккан гулдек остона,
Қулғуси кўнғирок қизлар пойидур,
Аёл бор эр зоти яшар мастона,
Наинки мастона, гоҳ савдойидур.

Аёлни ожиза деяверманг кўп,
Аёлсиз эркак ҳам, дунё ҳам ожиз.
Покланмоқ бўлганлар келингиз тўп-тўп
Онангиз пойига чўкаверинг тиз.

Аёл эъзоз учун яралган зотдир,
Аёлга эҳтиром ярашар асли,
Бир оғиз ширин сўз унга наҳотдир,
Аёл бор бахтиёр одамзот насли.

РИВОЯТ ИЧИДАГИ РОМАН

(Боши 1-бетда.)

РИВОЯТ:

Набира бобосидан «Бу ҳаёт нима?», — деб сўрайди.
Бобоси: «Азон ила намоз орасидир», — дейди.
«Бу нима деганингиз, бобо-жон? Умр шу қадар қисқами?»
«Ҳа, шу қадар қисқа, аммо бу азон ва намоз нима эканини биласми?»
Албатта, набира бунинг маъносини билмас эди.
«Азон — бу намозсиз азондир, яъни одам тургилан пайтда азон айтади, бироқ намоз ўқийлмади».
Намоз — бу азонсиз намоздир, яъни инсон ўлганда жаноза намози ўқилади, аммо азон айтилмайди. Мен шуни назарда тулдим, тойчоғим!»
Ривоятнинг мазмуни шундай ва негадир мен Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» романини, чексиз замон қаршида бир неча сонияга ўхшаган инсон умрининг сувратини абадийлаштирган романини шу ривоят ичига жойлангандек кўраман.

Биласизки, «Ўтган кунлар»дан ҳаёт нафаси ўфуриб туради. Қаҳрамонлар сиз билан бир ҳаводан нафас олади, уларнинг юрак уришлари ашитилгандек бўлади: гўё Отабек билан ёнма-ён юрасиз, зиёфатларда билан деворига муҳраб қўясиз. Ўзларидан нур ёғилиб турган Юсуфбек ҳожининг пуриқимат ўғитларидан баҳра оласиз. Кумушининг аччиқ қисматини кўриб, беихтиёр кўзларингиз ёшланади. Зайнабга «бечора», дейсиз, «мажнун», дейсиз. Хуллас, асардаги салобат ва маҳобат, ёзувчининг ички манералари ва маҳорати сизни ўзига ром этади. Негаки, романда жон бор, тириклик бор, унда «икки эшик ораси»даги умр моҳияти мужассам топган.
Романда бор-йўғи беш-олти йиллик воқеа-ҳодисалар қаламга олинади, аммо китобхон му-

толаа жараёнида ундаги ҳар бир қаҳрамоннинг бутун умрини нисбатан тўла-тўқис ва теран тасаввур қила олади...
«1264-инчи ҳижрига, давлат ойнанинг 17-нчиси, қишқи кунларнинг бири, кўш боққан, тева-ракдан шом азони эшитилди...»
Романнинг мазкур муқаддимасига ҳар ким ўзича маъно беради. Бунга ўзига хос «бисмиллоҳ», дея изоҳлайди қаҳрамон бири, кўш боққан, тева-ракдан шом азони эшитилди...
Аммо биз ўша жумладаги азонга эътибор бердик, унга тўғилиш, сержозибза қаҳрамонлар учун айтилган илоҳий қаламалар, дея маъно бердик. Шайтонларни қувлаш маросими, дея тушундик. Азон — биринчи эшик остонаси, дедик. (Эҳтимол, уни энди тўғилаётган роман жанри учун янграган илоҳий садо ўлароқ қабул этиш ҳам мумкин.)

Зотан, бобонинг набирага берган ўғитига қура, ҳаёт, бу — ниҳоятда қисқа: азон ва намоз оралиғидир.
Оралик масофа чексизликка нисбатан бир сония, бир сонияга нисбатан чексиздир. Бу ораликда инсон умри, Отабек, Қумуш, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оғим ва х.к. ва х.к. қаҳрамонлар умрининг моҳияти ўлим тўшағидан ётган ҳолатида, азонсиз намоз — жаноза маросимининг тасвири берилди. Дафн маросимига, жанозага «Тошқанднинг ҳар бир маҳалласидан деярлик кишилар» қатнашгани айтади. Шунингдек, роман «Хотирма»сида Отабекнинг жангда, ўрис билан бўлган тўқнашувда қаҳрамонлик кўрсатиб, ўлгани ҳақида хабар берилди. Ота-

Маққомот ахборот

бек шаҳидлар силкига тизилди.
«Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб юртқа ош берди, Ўзбек оғим қора қийиб таъзия очди».
Роман шу жумлалар билан якун топади.
«Ўтган кунлар» шакл эътибори билан ҳам, мазмун ва моҳияти эътибори билан ҳам азон ва намоз оралиғидаги микрооламнинг макросуварини, Бу маҳобатли манзаранинг кичик бир ривоят ичига жойланиши кимгадир суъий ва ёки жўнлашгандек таассурот бериши мумкин. Начора, турли китоб ва мақолаларда бир неча топқир чала-ярим қайта сўзлаб берилган роман сюжетини такрорлашни истамганим ва умуман бадиий асарга анга ёндашувлар юзга келишини орозулаганим учун ўзимча шу юқоридаги «каш-фиёт»ни ёздим.

Баҳодир ҚАРИМ

Оташ қалбнинг осмонида кўёш бор,
Ошиқ кунглин кўёшида кўз ёш бор,
Сизга, эй, дўст Махмуд каби дилдош бор,
Чанқаб турган гулга гулоб тутаман,
Сева билан дилга шароб тутаман.

ҚУРПАЙИДА ҚАЛБИ БОР

Чинорларни чимчилаб тўймайди еллар,
Ҳар гулли бир ўпмаса кўймайди еллар,
Унисалар ундириб ўйнайди еллар,
Қуртағида қулғу бор, баҳор, болажон,
Тилағида туйғу бор, баҳор, болажон.

Улғаурсан, сенинг ҳам ўз боғинг бўлғай,
Алвон-алвон лолалар чирогинг бўлғай,
Тилин топсанг майсалар ўртоғинг бўлғай,
Дунё тоза сен каби наҳор, болажон,
Бешингилни бошида баҳор, болажон.

МИСРАЛАРГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ

Хурлик қувончдир!
Хурлик — дилда жўшган ишончдир!
Хурлик шоир Хуршид учун борлиқдир. У бу туйғусиз яшолмайди, яшамайди ҳам. У қайси мавзуга қўл урмасин, унинг юрағидаги бош туйғу уни ҳис ҳаяжонга етаклаб кетаверади:
— Бунча кўрроқ бўлмасанг, дўстим?
— Нетай, ахир, мен эркинман ўсдим.
— Нега ёлгон сўзлайсан, айтгин?
— Хўрлаганлар болалик пайтим!
— Болаларинг сотарсан нечун?
— Отам мени сотгани учун.
— Нега сен воз кечдинг элингдан?
— Айирганлар она тилимдан!
Мана шўр. Бу кичкина мисраларда бутун бир халқ тақдирини бўртиб турибди. «Болаларинг сотарсан нечун?» —

Отам мени сотгани учун» каби ниҳоятда оғир, фожиавий туйғулар ифодаси айна пайтда ниҳоятда рост, тарихий ҳақиқатдир. Бундан ким юз ўйради. Катта истиснод эса бунини шундай айта оладики, ўқиганлар бир дам лабни тишлаб, «воҳ» деб қоладилар. Ҳақиқат олдида алам оташлари ёниб юрак тўлғанади, ушбу мисралар эса мангуликка қалб қўларини ларзага солиб тинчтирмайди.
Шоир қаламга олган мавзуларига назар солсак аён бўладики, у майда-чўда кундалик ишлардан йирок. Қобилият унга тор қўчаларга киришга йўл бермайди. У мавзунини Самарқанд деб олади. Шахси Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобороҳим Машираб, Турди, Фароғий, Нодира, Фурқат, Оғажий, Аваз Утар, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода деб танлайди. Чунки одам ва олам мавзунини йирик илҳом-

ларда қуйлаган инсонларгина унга ёрдамга келади. У бундан мамнун эканини мисрага солади! Бу буюк сиймолар орқали дунёга осон чиқиб кета олади: «Лорка ўлими» шеъриндан:
Уни тонга тираб отдилар.
Ажаб, бу сатрлар қаранг. Хуршид қисқа сатрларда, гоҳ бир сатрда оламни намоев қилади-қўяди. Эътироз йўқ. Ишонасиз. Хайратланасиз. Якунини қаранг:
Кўйиқ қуйлаб, Туйиб аламни, Ёш аскарлар сармаст адилар.
Шу кўйиқни ёлган одамни Оттанларин билмас эдилар.
Бу парча шоир юрагининг бутунлиги. Ҳамма мисрага ақли расо гўдақдай танасан. Юракда таскин топсан...
Энди шоирнинг ахлит образ туза билиш қобилиятига келсак:
Ой — беванинг чорасиз дарди,
Болақайнинг кир қўйлағи — тонг...

Бу тасвир имкониятлари, чексизлиги, бепеёнлиги. Борис Пастернак: катта шоирда китоб жовони эшиқлари ёпилайди, китоб саҳифалари очик қолади. Унинг эшиқлари тарвақайлаган, дарёнинг охири кўринмайдиган, ўрмоннинг эса сўнгги йўқ бўлади, дерди.
Бу иборатда катта гап бор экан. Мен Хуршид Давронни ўқиганимда, ҳар мисра, ҳар сатрнинг бепеёнлиги, ҳам фикран, ҳам масофаси жиҳатидан очик, кенг, бепеён эканини кўрдим.
Бундай муқаммал туйғуларни унинг ҳар бир шеърини келтириш мумкин. Зеро, ҳақиқий шоир ҳеч қачон бирон-бир мисрасини беқорга қозғата олмайди. Беқордан-беқор иш — бу қолпоқ ўйини, мисра ўйини эмас...
Чунки шоир: «Кузи — кузи олма — тирсиллаб турар», дея оддий ҳаводан ҳам инсонга зарур образни муҳайё этади. Шундай қилиб, кўриб турибсизки, китобдаги мисралар

аччиқ, аламли, аммо буюк бир интилиш — ҳаёт бу яшаш кучига айланади. Булар бирлашганда ахлит образ пайдо бўлади. Бу жабрдийда ўзбек халқининг мустақиллик учун кураш образи. Шоир бунга эришди, офаринга сазовор бўлади.
Шоир ўзи ким? Мақсади нима? Яшайдан маъно не? Бунга ҳам Хуршиднинг жавоби нақд:
Ахир, шоир зоти фақат ҳақ сўзини Айтмоқ учун келар қадим дунёга!
Дарҳақиқат, шундай: «Баҳордан бир кун олдин» шеърини китобини ўқиганимизда унинг ҳар сатри рост, ҳар мисраси ҳақиқат эканига, йиллар азоб-уқубатларида эришилган, мустақиллик туйғусининг ниҳоятда азиз ва ардоқли эканига ишонч туйғусига тўласиз. Хуршид Давронни бу йўлда фидоижон эканига амин бўласиз.

МУҲАМ
МУҲАМ

ўн икки бор айланди кундуз,
ўн икки бор айланди кеча —
Соатиқда тиним билмас ҳеч,
ўн иккита рақам тонгача.

Ҳар йилда айланиб ўтди,
ўн икки ой ўн икки бора.
Умрини зини мунаввар этди
ўн иккита улкан сайёра.

Бутун тўлдим ўн икки ёшга,
ўн икки ёш — мучалим балиқ.
Интиламан ҳамон қўёшга,
Узун қилсин умримни Ҳолиқ!

Нозима МАҲСУМОВА.

